

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭРНАЗАРОВА ГУЛБОХОР ИСОКОВНА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ТАСАВВУФ АНЪАНАЛАРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Эрназарова Гулбохор Исоковна

Ҳозирги ўзбек шеърятда тасаввуф анъаналари 3

Эрназарова Гулбохор Исоковна

Традиции суфизма в современной узбекской поэзии 23

Ernazarova Gulbokhor Isakovna

Traditions of Sufism in modern Uzbek poetry 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭРНАЗАРОВА ГУЛБОХОР ИСОКОВНА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ТАСАВВУФ АНЪАНАЛАРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fil.1114 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетига бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "Ziyounet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳасанов Шавкат Аҳадович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсунова Дилнавоз Раҳмоновна
филология фанлари доктори, доцент

Сабирдинов Акбарали Гафурович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc 03/30 12 2019 Fil.02 03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "25" март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92, факс: (8366) 239-11-40, e-mail:rector) @samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил "12" март кuni тарқатилди.
(2022 йил "12" март даги 88-рақамли беестр баенномаси).



М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҷ. Ҳамроев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги бугунги глобаллашув даврида бадиий адабиёт оламини умумбашарий мезонларга мувофиқ баҳолашни талаб этгани ҳолда, адабиётда мавзу ва ғоялар, тимсоллар бадииятини замонавий адабиётшунослик фани эришган ютуқлар ва янгиланишлар жараёни асосида ўрганишни талаб этмоқда. Янгиланаётган даврга уйғун тарзда такомиллашиб бораётган адабиётшуносликдаги тадқиқ методлари ҳамда янгича таҳлил усуллари асосида мумтоз моҳиятнинг замонавий шеъриятга кўрсатаётган адабий таъсирини ўрганиш адабиётшунослик марказида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё адабиётшунослиги илм-фанининг айна тараққиёт босқичида бадиий асарга турли методлар асосида ёндошишга, муайян ижодкорлар асарларида миллий ва умуминсоний қадриятларга хос анъаналарнинг новаторона оригинал услуб хусусиятлари билан уйғунлашиб, янги бир ижод намуналари яратилаётганлигига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан ислом динига амал қилган халқларнинг ахлоқий, маданий ҳаёти, фалсафа ва бадиий тафаккурига сезиларли таъсир ўтказган тасаввуф таълимоти анъаналари; мумтоз моҳият категорияларидан иборат тизимнинг ҳозирги ўзбек шеъриятида тутган ўрнини, бадиий-эстетик тафаккур такомиллидаги аҳамиятини илмий назарий жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган туб ислохотлар бошқа соҳалар қатори адабиётшунослик йўналишида ҳам ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Жумладан, халқимиз маданияти ва адабиётининг ҳаётбахш анъаналарини ўзида сақлаб келаётган мумтоз адабиёт, янада аниқроқ айтганда, тасаввуф адабиётининг замонавий шеъриятга ўтказаетган ижобий ва ижодий таъсирини тадқиқ этиш кун тартибидаги муҳим масалалардан бирига айланди. Зеро, "...Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор экани, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт ва маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ".¹ Шундай экан, адабиётимиз тарихи ва бугуни ўртасидаги алоқадорликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, ўхшаш ва ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга молиқдир. Кейинги йиллар ўзбек шеъриятининг характерли жиҳатларидан бири, айрим шоирлар ижодида тасаввуф руҳидаги асарларнинг пайдо бўлиши замонавий шеъриятда мумтоз моҳиятнинг мақомини кучайтирди. Айна пайтда, замонавий шеъриятда тасаввуф анъаналари талқинини умумжаҳоний кўламда, муаллифларнинг диний-маърифий дунёқараши, бадиий-концептуал принциплари асосида ўрганиш ва илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарблик касб этмоқда.

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир. // "Халқ сўзи", 2017 йил, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида тасаввуф ва тасаввуф адабиётидаги бадий талқин масалаларига оид бир қанча тадқиқотлар юзага келган.

Хусусан, Ҳ.Риттер, Л.Массигнон, А.Арберри, Ж.С.Тримингэм, А.Шиммел, М.А.Жўшон, У.Турар², А.Е.Крымский, В.А.Жуковский, Е.Э.Бертельс, И.Гольдциер, А.Мец, Г.Вамбери, А.Массэ, К.Казановский, П.Позднев, Е.А.Белляев, И.Б.Петрушевский, Д.П.Климович, И.Ю.Крачковский³ сингари адабиётшунос ва шарқшунослар томонидан салмоқли тадқиқотлар яратилди.

Тасаввуф ва унинг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадий талқини масалалари ўзбек адабиётшунослигида ҳам маълум даражада ўрганилган. Истиқлол йилларида ўзбек адабиётшунослигида муайян тадқиқотлар таркибида мавзунинг айрим томонлари таҳлил қилинган бўлса, бевосита мавзуга доир тадқиқотларда бир қатор муҳим илмий-назарий қарашлар юзага келди. Жумладан, А.Абдуқодиров, Н.Комилов, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққул, Д.Салоҳий, Н.Жабборов, С.Олимов, К.Муллахўжаева, У.Қобилов, О.Давлатов каби адабиётшунос олимларнинг асарлари, илмий тадқиқотлари⁴ бунга мисол бўла олади.

² Хорижда тасаввуф таълимотининг ўрганилиши (инглиз тилидаги манбалар асосида).Талқин ва таржималар муаллифи Қ.Исмоилов. – Т.: Mumtoz so'z, 2008. 96-б.

³ Маматов М.А. Сущность суфизма: для студентов с углубленным изучением истории и культуры ислама – Уфа: Изд-во БГПУ, 2011, – 168 с.

⁴ Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича): Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1998; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. Шу

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университетининг “Адабий тур ва жанрлар поэтикаси” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади тасаввуф анъаналари, мумтоз моҳият категорияларидан иборат тизимнинг ҳозирги ўзбек шеъриятида тутган ўрнини, бадиий-эстетик тафаккур тақомилидаги аҳамиятини илмий-таҳлилий, қиёсий-типологик ўрганиш ҳамда илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий шеъриятда тасаввуфий анъаналарга издошлик, шеъриятда ғоявийлик масаласини даврий ўзгаришлар яхлитлигида аниқлаш;

Ғафур Ғулом шеъриятининг фалсафий асосларини кўрсатиш орқали унинг ижодида мумтоз поэтиканинг дахлдорлик масаласига аниқлик киритиш;

Абдулла Орипов шеъриятининг тасаввуфга алоқадорлик жиҳатларига эътибор қаратиш;

Абдували Қутбиддин шеъриятида тасаввуф ва символизм уйғунлиги масаласини ойдинлаштириш;

Асқар Маҳкам шеъриятида сўфиёна оҳанглар масаласини ёритиш;

янги ўзбек шеъриятининг тасаввуфий мотиви ва образлари талқинига асос бўлган манбалар ва уларга мумтоз адабиётнинг таъсири, ҳозирги ўзбек шеъриятида тасаввуфий ғоялар ифодалаган миллий ва умуминсоний қадриятлар, туйғу ва кечинмалар жозибадорлигини бадиий матнлар асосида таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов, Асқар Маҳкам, Абдували Қутбиддин ва бошқа ижодкорлар шеърияти асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг предмети ҳозирги ўзбек шеъриятида тасаввуфий анъаналар талқини муаммосини ижодий индивидуалликда ва қиёсий типологияда илмий-назарий ёритишдан иборат.

муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти: Филол. фанлари докт. дисс. – Тошкент, 1995., Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991., Шу муаллиф. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: “Бухоро” 2000; Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007., Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007; Ҳаққул И. Шарқ мумтоз адабиёти ва Ғафур Ғулом ижодиёти //Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 2018 3-сон, 20-бет; Ҳаққул И. Тасаввуф: тарих, моҳият ва тадқиқ талаблари //Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 2017 йил, 3-сон. 31-бет; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005; Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Салохий Д. Навоий насрида тасаввуф. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995., Шу муаллиф. Тасаввуф ва бадиий ижод. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Наврўз, 2018. – Б.190; Жабборов Н. Маърифат надир? – Тошкент: Маънавият, 2010; Жабборов Н. “Илм андоғ ганжи нофиъдур...” // Шарқ юлдузи, 2002. 3-сон. – Б: 150-151; Жабборов Н. Ой ҳам ибодат қиладими? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005 йил 28 октябрь; Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: Фан, 1992; Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги (“Бадосъ ул-бидоя” девони асосида): Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: 2005; Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: Нихол, 2008; Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, биографик, психологик, структурал, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги ўзбек шеърияти поэтикасида фалсафий-тасаввуфий ғоя ва тимсолларга издошлик анъанаси символизм, барокко, анъанавий бўлмаган композицион комбинациялар сингари модернистик услублар билан уйғунлашиб кетаётганлиги, бадий тасвирда жавонмардлик, риндона, дарвешона, ошиқона каби сўфиёна талқинларнинг мустаҳкам қарор топганлиги исботланган;

фалсафий-тасаввуфий таълимот ва уни ифода этишда муҳим саналган туш, хаёл, завқ, илҳом тушунчалари ҳамда шариат, тариқат, ҳақиқат, маърифат борасидаги сўфиёна қарашларнинг талқинлари давр руҳига мувофиқ ва қонуний тарзда ҳозирги шеърият поэтикасидан муҳим ўрин тутганлиги асосланган;

замонавий лирика тадрижий такомилда мумтоз моҳият категорияларидан иборат тизимнинг шоирлар поэтик услубига таъсири натижасида шеъриятда олам ва одам муносабатларининг синтезлашув жараёни далилланган;

ҳозирги шеъриятнинг мумтоз моҳиятга ворисийлигини акс эттирган рух тарбияси, комиллик, ишқ, маърифат, ҳақиқат каби маърифий-ирфоний ғоялар ва шарқона дунёқараш, сўфиёна оҳанглар, арбаъинчилик анъаналари сингари бадий-эстетик жиҳатлар бугунги давр ёшларининг маънавий-ахлоқий тарбиясида бирламчи асосга эга эканлиги очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида чиқарилган илмий хулосалар келгусида ижтимоий, психологик ва фалсафий йўналишдаги илмий изланишлар учун қимматли ва бой манба бўлиб хизмат қилиши, адабиётшунослик ва адабий танқид бўйича илмий тадқиқотлар яратиш учун фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

янги давр шеъриятида сўфиёна қарашларнинг талқинида мумтоз моҳият билан алоқадорлик ўринлари белгиланган;

ҳозирги шеърда кўзга ташланаётган тасаввуф тимсоллари ва ғояларининг ўрни тайин этилган;

ушбу мавзу тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар берилишига, ижодкор услубига оид назарий ва амалий машғулотларнинг ташкил этилишига, дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммалашувига хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, тадқиқот усулларининг илмий мақсадга мувофиқлиги, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мослиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, психологик, герменевтик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср ва истиқлол даври адабиёти тарихини яратишда, адабиёт назарияси фанининг жанр имкониятлари, шеърятда анъана ва новаторлик, поэтик услуб ранг-баранглиги каби масалаларни ўрганиш жараёнида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи” фанларини ҳамда ихтисослашган мактабларда махсус курсларни ўқитишда, олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмалар, мажмуалар яратиш ва такомиллаштириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек шеърятда тасаввуфий талқин муаммосини тадқиқ этиш ва мазкур муаммонинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, илмий-амалий натижаларини белгилаш асосида:

ҳозирги ўзбек шеърятда акс этаётган тасаввуфий ғоялар асосида шарқ мумтоз адабиёти анъаналари масаласи тадқиқи борасидаги илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги ФА-Ф-1-005 рақамли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 28 июндаги 17-01/159-сон маълумотномаси). Натижада, мумтоз адабиёт анъаналарининг ҳозирги шеърятга кўчиши жараёнидаги ўзгаришлар илмий далиллар билан бойишига хизмат қилган;

янги давр шеърятининг тасаввуфий мотиви ва образлари талқинига асос бўлган манбалар, ҳозирги шеърятда тасаввуфий ғоялар ифодалаган миллий ва умуминсоний қадриятлар таҳлили асосидаги назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги ФА-Ф1-Г002 рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 14 июлдаги 17-01/186-сон маълумотномаси). Натижада, ҳозирги шеърятнинг мумтоз моҳиятга ворисийлиги масаласини қиёсий-типологик, илмий-назарий ёритиш, тадқиқотлар доирасида ўрганиш имконияти яратилган;

истиқлолдан кейинги ўн йилликлар жанрий ранг-баранглик, услубий ўзига хослик, поэтик ғоя ва ифода тарзининг хилма-хиллиги билан ажралиб турган ўзбек шеърятда тасаввуф руҳидаги асарларнинг пайдо бўлиши шеърятда мумтоз моҳиятнинг мақомини янада кучайтирганлиги, замонавий шеърятда тасаввуф анъаналари талқини умумжаҳоний қўламда, муаллифларнинг диний-маърифий дунёқараши, бадий-концептуал принциплари асосида холисона ўрганилган ўринлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими қошидаги “Садоқат” адабий-

ижодий тўғарагида маърузалар ўқилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 4 августдаги 01-03/970-сон маълумотномаси). Натижада, маънан етук авлодни тарбиялашда фойдаланишнинг илмий-педагогик мезонлари ишлаб чиқилишига, ёш ижодкорлар қобилиятини ўстиришга, уларни маънавий рағбатлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 3 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг умумий мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 136 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Янги ўзбек шеърлятида тасаввуф мотивлари ва тимсоллари” деб номланади ва икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фасли “Ҳозирги ўзбек шеърлятида тасаввуф ғояларига издошлик” деб номланган. Унда айрим мутасаввуфлар, жумладан, Мансур Халлож шахсиятига муносабат масаласида диний ва фалсафий тасаввуфнинг муштарак ва фарқли жиҳатларига эътибор қаратилади. Соцреализм даври ўзбек адабиётида мумтоз шарқ адабиёти анъаналари руҳида ёзилган шеърларга эътиборсиз қараларди. Шу боис, кўп шоирлар, жумладан, Чархий, Боқий домла, Сайфий, Анисий, Улфат, Боқир, Алҳам кабиларнинг аксарият асарлари кўлөзма ҳолида қолиб кетди ва деярли ўрганилмай қолмоқда. Номлари қайд этилган ва этилмаган яна ўнлаб шоирларнинг адабий мероси чоп этилса, тадқиқ этилса – XX аср ўзбек шеърлятининг манзараси ўзгача қиёфа касб этган бўларди.

“Ғафур Ғулом ижодининг яна бир хусусиятини таъкидлаб ўтмоқчиман. У қайси мавзуга қўл урмасин, катта миқёсларда фикр юритарди, руҳий поёни чексиз эди, бачкана, чучмал ҳис-туйғуларни ҳеч қачон яқинига йўлатмасди.

Бу фазилат, бу маҳорат, бу донолик шоирнинг худо берган табиатига хосдир; иккинчидан, ул зот чуқур билим эгаси, қамрови жаҳоншумул мутафаккир эдилар. Учинчи ва балки Ғафур Ғулом истеъдодининг юксак парвозига толмас қанот берган зўр куч қадим Шарқ шеърятининг муборак нафасидир”⁵, – деб ёзади Абдулла Орипов. Гарчи Ғафур Ғулом “Талай ўлкаларни кездим дарбадар// Елкада хуржуну қўлимда таёқ”, – деб ёзган бўлса-да, унинг поэтикасидаги фалсафа тасаввуфдан қувват олган ҳаётий фалсафадир. Шоир тасаввуфдаги ўзликни англаш ғоясини миллий ўзликни англаш туйғулари билан уйғунлаштиради.

Зўр қарвон йўлида етим бўтадек
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер қуёш.⁶

“Қарвон”, “сарбон”, “туя”, “бўталоқ” мумтоз шеърятда кўп ишлатиладиган тимсоллар. Шоир ана шу рамзий-мажозий маъно уфқлари кенг тимсоллар орқали қалб кечинмалари баёнига ўтади.

Биринчи байтда соғинч ҳиссидан сўз кетса, иккинчи байтда бу туйғу фалсафий миқёс касб этиб, ернинг энг кичик заррасидан фалакнинг энг йирик планетаси Юпитерни мувозанатда сақлаб қолаётган табиат ҳодисалари талқинига йўл очади.

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди кечаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртанги умид.⁷

Иккинчи банднинг биринчи мисрасида соғинч туйғусининг халқона ифодаси акс эттирилган. Иккинчи мисрада эса шоир ўша туйғуни қуёш системасидаги сайёраларнинг муайян қонуниятига асосланган ҳаракати билан узвийлаштиради. Ҳатто киприк узилиши ҳам бежизга эмас, унда ҳам бир мантиқ ва қонунийлик бор, чунки “хонаи хуршид” табиат қонунлари асосига қурилган, у шунчаки сайёраларнинг нотекис жойлашуви ва ҳаракатидан иборат эмаслигини таъкидлайди, шоир.

Охирги икки мисра эса Баҳовиддин Нақшбанднинг “дил ба ёру даст ба кор” ўғитларини ёдга солади. Шоир шеър давомида бекорга Бедилни эсга олмайди:

...Бедил ўқир эдим, чикди офтоб...

Замонавий шеърятда воқеликнинг поэтик манзараларини гавдалантиришда тасаввуфий талқинларнинг муҳим аҳамият касб этишини Абдулла Орипов шеърлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар, сиз букун
Яссавий хок-пойидан айлаб олинг туморлар...⁸

⁵Ғ.Ғулом. Танланган асарлар. Назм ва наср. Сўз боши муаллифи А.Орипов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. 9-бет.

⁶Ўша асар. 47-бет.

⁷Ўша асар. 47-бет.

⁸Орипов А. Танланган асарлар. – Т.: SHARQ, 2019.91-бет.

Миллий ўзлик туйғусига путур етган, диний қадриятлар унутилаёзган атеистик мафкура ҳукмронлиги даврида Абдулла Ориповнинг ўз замонаси дардларига Яссавий сиймосидан даво излаши ғоят ўринли ва жасоратли саъй-ҳаракат эди. Чунки Яссавий ҳам ўз даврида “нафс илгидан қутулмоқ, атрофда тўлиб-тошган фиску фужурларга барҳам бермоқ” йўлларини излаган. Ёмонлик, нодонлик, жаҳолат, молпарстлик иллатларига ривож берган дунёни юракдан қувишга даъват этган.

Абдулла Орипов руҳ ва вужуд муносабатига қайта-қайта мурожаат қилади. Ҳар бир шеърида янги поэтик мазмун кашф этади, оламини фалсафий идрок этишнинг оригинал ташбеҳ ва образларини топади.

Вужуд деганлари асли нимадир?

Дайр денгизида юрган кемадир...

Воқеликка, руҳий ҳолатга, нарса-буюмларга фалсафий қараш, улар моҳиятига теран назар солиш Абдулла Орипов шеърларининг ўзига хослигини таъминлаган омиллардандир. У сўфий шоирлардек вужуднинг – фанога, руҳнинг – бақога дахлдорлигини эътироф этади. Вужудни енгиш мумкин, парчалаш мумкин, бироқ камалак – руҳни енгиб ва парчалаб бўлмайди. Инсоннинг “мен”лиги ана шу парчаланмас ўзликда.

Асқар Маҳкамнинг лирик қаҳрамони гўёки ўтмиш асрлардан бизнинг замонамизга келиб қолган сўфий, дарвешларни эсга солади. Дарвешона зикр тарзига мослаб ёзилган қуйидаги ғазал ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Нақшбандий Мавлавий ё Чиштиё Бихиштиё

Эрдингми хо эрдингми Ҳақ истаган Девона...

Тасаввуфда бир шаклдан ўзга шаклга ўтишда, аввало, маъдан сўнг ўсимлик, кейин ҳайвон, ундан сўнг одам тарзида содир бўлиш жараёни мавжуд. Асқар Маҳкамнинг бир қатор шеърларида шу масаланинг ранг-баранг талқинларини кўрамиз.

“Дарвозада ўтирар қузғун...” деб бошланган шеърида қуйдагиларни ўқиймиз:

...Ҳаммаси бор – бўри ўғрилар

Ва уй тўла қумурсқалар ҳам

...Бунда гарчи одам туғулар

Сўнг ҳайвонга айланар одам.⁹

Мумтоз шарқ шеърияти азалдан имо-ишора, рамз, символ, метафораларга таянганлиги, образли тафаккур тарзи орқали амалга ошганлиги Абдували Қутбиддин шеъриятида ҳам кўзга ташланади. Абдували Қутбиддин поэтик ғоясига парвоз бағишлайдиган, унинг образли тафаккур тарзини тадрижий такомиллаштирадиган, шоирлик манераси ва услубини белгилайдиган ўзак тушунчалар, яъни таянч нуқталар мавжуд. Булар тасаввур, хаёлот, хотира, туш, эртакона сир-синоат, руҳий кайфият, ғайри

⁹Маҳкам А. Ҳақ. – Душанбе, Адиб, 1998. 351-бет.

шуурий ҳолат кўринишлари. Унинг қай бир ижод намуналарини олиб қараманг, барчаси ана шу таянч ифодалардан ўсиб чиқади.

“Абдували Қутбиддин шарқ мумтоз назмига хос сўфиёна оҳанглари давом эттириш баробарида умумевропа модерн шеърияти усулларини шеъриятига тадбиқ қилди, – деб ёзади Баҳром Рўзимуҳаммад. – ...мажозий образларни фаол қўллаш, метафораларни ҳеч чўчимасдан ишлатиш баробарида дарвеш шоиримиз ўз услубини шакллантиришга эришди”.¹⁰

Умуман олганда, истиқлол арафаси ва ундан кейинги давр адабиётида неча ўн йилликлар давомида етакчи мавзу бўлиб келган ижтимоийлик ўз ўрнини кўнгил шеъриятига бўшатиб берди. Бу эса ўз навбатида ижодий изланишлар, экспериментлар миқёсини кенгайтди, натижада тасаввуф таълимоти, модернизм анъаналарини ўқиб-ўрганиш ва ижодий ўзлаштиришга олиб келди. Шу тариқа ҳозирги ўзбек шеъриятида мумтоз анъаналар қарор топа бошлади, услублар, ифода тарзи, тасвир манераси рангинлашди, олам ва одамни талқин этишда муносабат ўзгарди, поэтик мазмун теранлик ва оригиналлик касб этиб янгиланди.

Бобнинг иккинчи фасли “Замонавий ўзбек шеъриятида тасаввуф тимсоллари” деб аталади. XX аср ўзбек шоирлари ижодини кузатадиган бўлсак, тасаввуфий ғоялар, тушунчалар, талқинлар баъзан анланган, баъзан анланмаган, гоҳ онгли, гоҳ стихияли равишда ўзлигини намоён этиб турди. Бизнинг диссертациямизга объект қилиб олинган шоирлар тариқат йўлини босиб ўтмаганлар. Бизда бундай маълумотлар йўқ.

Замонавий шеъриятда олам ва одам муносабатларини, воқелик жараёнларини тасаввуфона талқин қилишга интилиш айрим шоирлар ижодида кўзга ташланишини қайд этиш лозим. Шунингдек, бу хилдаги асарлар мазмун ва шакл жиҳатидан мумтоз шеъриятдаги жанр ва шакллардан тамоман фарқланишини, қатор ўзгаришларга учраганлигини инобатга олиш керак. Булар қуйидагилар:

- услубий ўзига хослик;
- вазндаги ўзгаришлар;
- мотивларнинг янгиланиши;
- шаклий композицион ранг-баранглик.

Тасаввуф шеъриятида асосий мавзу ва мотивлар сифатида тақдим ва талқин этиб келинган *РУҲ*, *НАФС*, *ИШҚ*, *КОМИЛЛИК*, *МАЪРИФАТ*, *ҲАҚИҚАТ* каби тушунчалар замонавий шеъриятда ҳам ишлатилган. Бироқ бу тушунчаларнинг моҳияти замонга мувофиқлаштирилган, яъни маъно кўлами торайган. Руҳ – маълум бир кишининг жони, нафс – баднафслик белгиси, ишқ – заминий севги, комил инсон – баркамол авлод тушунчасига, маърифат – ўқув юртини тугатиш ва дипломли бўлиш, ҳақиқат – ҳаётий воқеалар гирдоби ва конфликтда танланган тўғри йўл маъноларини англата бошлади.

... Деди Гадо – Ўлим бу – Ишқ сармояси
сармояси
сармояси

¹⁰Рўзимуҳаммад Б. интернет маълумотлари.

Деди Гадо – Ўлим бу – Ишқ ҳамсояси
ҳамсояси
ҳамсояси
Деди Гадо – Ўлим бу – Ишқ остонаси
остонаси
остонаси
Деди Гадо – Ўлим бу – Ишқ ҳамхонаси
Деди Гадо

Ишқ тушунчасини бундай талқин қилиш замонавий адабиётимизда янгилик ҳисобланади. Чунки бугунги давр кишилари тасаввуфий ишқ, ҳажр тушунчаларидан анча йироқлашган эдилар. Замонавий шеърятимизнинг асл ўзанларидаги анъана ва тушунчаларга қайтиши, муайян масалаларни талқин этишдаги издошлик осон ва силлиқ кечмаган.

Тасаввуф моҳият эътибори билан фалсафага яқин ва улар тарихий тараққиёт жараёнида янада яхлитлик касб этган. Кўпинча бу икки атаманинг биргаликда қўлланилиши шундан. Олам ва одамни ўрганишда тасаввуфда кўпроқ рухий изланиш йўллари борса, фалсафада ақлий ёндошув устиворлик қилади. Шунинг учун поэтик услубида фалсафий фикрлаш тарзи кўзга ташланадиган шоирлар ижодида тасаввуфий оҳанг ва анъаналарни учратиш мумкин. Жумладан, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов шеърлятида бунга кўплаб намуналар келтириш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ҳозирги ўзбек шеърлятида шарқ фалсафаси инъикоси” номланган бўлиб, биринчи фаслида “Ғафур Ғулом поэтикасининг фалсафий асослари” ўрганилди. “Мен Шарқ шоириман. Шунинг учун Шарқ классикларининг ҳаммаси менинг хеш-ақраболарим”, – деб “меросий ҳақ-ла” Ғафур Ғулом бежиз эътироф этмаган. У мумтоз шеърлятда сайқал топган Вақт поэтикасидан яхши хабардор бўлганлиги ва бир қатор шеърлярида бу тушунчанинг мукамал образини яратганлиги фикримиз исботидир.

Шарқ шеърлятида лирик қахрамоннинг ички кечинмалари: соғинч, интизорлик, дарду армонларини ифодалашда “карвон”, “сарбон”, “туя”, “бўталок” кабилар рамзий-мажозий характер касб этади. Шарқона тарбия руҳида камол топган Ғафур Ғулом ҳам буни теран англайди. Шайх Саъдийнинг “Эй, сарбон...” деб бошланувчи ғазали, Гулханийнинг “Туя билан бўталок” ҳикояти каби асарларнинг хотира қатларидаги ёғдуси ғайри шуурий тарзда ана шундай самимий ва ҳароратли сатрларга кўчади.

Шоирнинг наздида “хонаи хуршид”, яъни қуёш тизимидаги сайёраларнинг ҳаракати коинот қонуниятлари билан шунчалар мустаҳкам тузилганки, ҳатто қаттиқ соғиниш, ичкикиш белгиси ҳисобланган киприк узилиши ҳам беҳуда эмас, сабаб ва оқибат бирлиги қонуниятларига асосланади. Шу боис қишдаги нафас бугун сабза бўлди, эртаги умиднинг рўёбга чиқиши эса ҳозирги ҳатти-ҳаракатга боғлиқ. Чунончи юқоридаги шеърлий парчада “хонаи хуршид”даги ҳодисалар хаосга эмас, мустаҳкам асосга қурилганлигининг эътирофи ҳам тасаввуф ғояларига ҳамохангдир.

Албатта, Ғафур Ғулом илму маърифат деганда тасаввуф вакиллари тушунган маърифатни назарда тутмайди, балки юқоридаги бобларда таъкидлаганимиздек, “маърифат” сўзининг торроқ маъносини, яъни ўқимишли бўлиш, бирор бир касб соҳиби бўлишини назарда тутлади.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Ширин Фарҳод шарафига мажлис тузганида ўнта дилором – қизлар ҳам иштирок этади. Ҳазрат Навоий уларни таъриф-тавсиф этар экан, ҳар бирини маълум бир илм-фан, соҳанинг яғонаси дейди:

Бири – ашъор бағри ичра ғоввос,
Бири – адвор даври ичра раққос.
Бири – мантиқ русумида рақамкаш,
Бири – ҳайъат руқумига қаламкаш...¹¹

Ғафур Ғулом “Қуёшни қутлаб” мақоласида “Фарҳод ва Ширин”дан олинган ана шу шеърини парчани шарҳлаб шундай ёзади: “Кўрдингизми, бу қизлар – ҳар бири бир фаннинг мутахассиси эди, дейди Навоий. – Духоба паранжиси бор эди, эрининг учинчи хотини эди, мушкулкушоддан қолмас эди”, – дейилаётгани йўқ...”

“...сўфийлар назарида муҳаббат, шафқат ва мурувват бири иккинчисини тақозо этувчи ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, нафақат муҳаббат, балки шафқат ва мурувват ҳам илоҳийдир, – деб ёзади Н.Комилов. – Негаки, Аллоҳга муҳаббат қўйган одам золим ва шафқатсиз бўлиши мумкин эмас”.¹² Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Ғафур Ғулом ижодидан шундай тушунчалар билан сайқал топган юзлаб байту бандларни мисол келтириш мумкин.

Эркин Воҳидов Нажмиддин Комилов хотирасига атаб ёзган “Теран дарё сокин оқар” мақоласида 60-йиллардаги тасаввуфни билиш даражасини шундай изоҳлайди: “Биз ўша маҳалда тасаввуфни гарчи ақлимиз, илмимиз билан тушуниб етмаган бўлсак-да, лекин тасаввуф оламини кўнглимиз билан ҳис қилиб, қалбимиз билан уни англаганмиз”.¹³ Бу Абдулла Орипов, Жамол Камоллар авлодининг етук вакили Эркин Воҳидовнинг эътирофи. Ғафур Ғуломлар авлоди эса тасаввуфни ақли, илми билан ҳам тушуниб етган, бироқ кўпчилик шеърларида буни ифода эта олишга журъат ва имкон тополмаганлар. Гарчи Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода мадраса таълимини олмаган бўлсалар-да, уларни мумтоз адабиёт ўша руҳда тарбиялаган. Улар мумтоз шоирларнинг издоши эканликларини яхши англашган. Ҳар иккала шоирнинг нафақат шеърлари, балки мумтоз адабиётга оид мақолалари, тадқиқотлари шундан дарак беради.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Ҳикмат садолари ва арбаъин анъаналари” деб аталган. Ушбу йўналишда Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари”, Сирожиддин Саййиднинг “Қирқ ҳадис”, Жамол Камолнинг “Қирқ

¹¹Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, йигирма томлик. Саккизинчи том. Ҳамса. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Фан” нашриёти, 1991. 299-бет.

¹²Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари, 1999. 34-бет.

¹³Воҳидов Э. Теран дарё сокин оқар//Шайх Қутбиддинхон Ургутий. – Т.: Тамаддун, 2020.161-бет.

ҳадис илҳоми”, Шукур Қурбоннинг “Унутмадим адолат расмин”, Ҳусан Бердиевнинг “Қирқ ҳадис” туркумларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Абдулла Ориповнинг “Ҳикмат садолари” диний-маърифий туркуми “Ибодат” шеъри билан бошланади. Мазкур шеър рамзий маънода барча туркум шеърларнинг умумғоясини, диний-фалсафий шеърият моҳиятини англатади.

Дунёдан розиман дема ҳеч қачон,
Десанг ҳам, сўйлагил саҳрога, тоққа.
Чунки сени тинглаб, кимдир ўша он,
“Нега розисан?”, деб тутгай сўроққа.

Исломнинг асосий шартларидан бири мўминлик бўлса, дунёвий ақл-идрокнинг афзали камтарликдир. Бу ҳақда кўплаб ҳадислар мавжуд: “Мўминларнинг афзали хулқи яхшироғидир”, “Мўминликнинг белгиси тили ва кўли билан бировга озор етказмаслик”, “Одамларнинг Аллоҳ олдида энг ҳурматлиси – уларнинг тақволисидир”¹⁴.

Дунёдан норизо бўлсанг ҳам агар,
Сўз дема, бардош қил азоб, фироққа.
Чунки сени тинглаб, кимлардир баттар,
“Нега?”, деб албатта, тутгай сўроққа.

Дунё ишларига бокма ҳеч қачон,
Жимгина назар сол кўҳна бу корга.
Олис кечалари ёлғиз қолган он,
Дилингни оч фақат парвардигорга.¹⁵

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ҳам шеъриятимизда ҳазрат Навоий бошлаб берган ва бир қатор устозлар давом эттирган муборак анъанага меҳр ва ҳавас натижасида битилган “Яхшилик эскирмагай” (“Қирқ ҳадис”) туркумини яратиш билан буюк анъанага ўз ҳиссасини қўша билди. Шоир туркум шеърларида эзгуликнинг эски-янгиси бўлмаслиги, пайғамбаримиз сўзлари ёмби сингари вақт ўтган сари янгидан янги маъно касб этиб бораверишини умумлаштира билган.

Ҳадислар асосида Шукур Қурбон ҳам қирқта шеър битади. Туркумни “Унутмадим адолат расмин” (шеърга тушган ҳадислар) деб номлайди. Бу ҳолатда у бармоқ вазнининг тўртлик – рубойига яқин жанрини танлайди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи: “Ҳадисларни тўртликларга туширар эканман, шеърий мисраларимда ўз оҳор ва кучини кетказиб қўймасмикан, дея чўчийман”, деб ёзади. Пайғамбаримиз сўзларини иншо этишда қаламнинг кучи ожиз эканлигини эътироф этади. Унинг шеърлари “бамисоли тоғнинг қаршисида чумолича” эмасдек туюлади. Бироқ шунга қарамасдан шоир аслиятдан узоқламасликка, ҳақиқий моҳиятни бошқачароқ айтиб қўймасликка ҳаракат қилади, назаримизда, бунга эриша олади. Холис ният уни шундай улуғ ишда қўллаб тура олади.

¹⁴Муҳаммад пайғамбар киссалари. Ҳадислар. – Т.: Камалак, 1991. 46-б.

¹⁵Орипов А. Танланган асарлар. – Т.: SHARQ. 2019. 333-б.

Ҳадисларни назмда иншо этишда муайян маънода бадийликка нисбатан маънони ифодалашга бўлган эҳтиёж асосий мақсадга айланади. Зотан, шарҳлашга мойиллик ва шарҳлашга интилиш, китобхоннинг мазмунни тўлиқ тушунишини таъминлашга қаратиладики, бу ҳам ўша масъулият туйғуси билан боғлиқдир. Ҳадисларнинг турли даврларда ҳар хил ижодкорлар томонидан назмда ифодаланиши, биринчидан, анъана сифатида қаралса, иккинчидан, ҳаётий эҳтиёж туфайли юзага келишидир.

Учинчи боб “Индивидуал услублар ранг-баранглиги ва поэтик мазмун” деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида “Абдували Қутбиддин шеърлятида тасаввуф ва символизм уйғунлиги” масаласига эътибор қаратилади.

Мумтоз сўз санъатининг замонавий шеърлятга таъсирини ўрганишда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Ақсар Маҳкам, Сирожиддин Саййид, Азиз Саид, Фахриёрларнинг асарлари қатори Абдували Қутбиддин шеърляти ҳам етарлича бой фактик материал бера олади.

Бу ҳолат шоир мурожаат қилган жанр ва шаклларнинг ранг-баранглигида, асарларининг шаклан пишиқ, мазмунан теран ва салмоқдорлик касб этишида, индивидуал услубининг сержилолигида бирдек намоён бўлади. Абдували Қутбиддин шеърляридан олинадиган дастлабки таассурот унинг туб моҳиятига унча мувофиқ эмас: жумбоқнамо, крассвордга ўхшаган, узук-юлуқ сатрлар, Аҳмад Аъзам айтганидек, боғланмаган боғланишлар, ритму қофияланиши ҳам ўзига ярашадек... Қайта ўқишга киришиб, унинг поэтик ишораларини илғагандек бўласиз ва лирик изҳорнинг шунақа манерасига ҳам кўника бошлайсиз. Абдували Қутбиддин шеърлятида сўз сеҳри, жумла жозибаси, мисра таркиби, фикрнинг зарбулмасал сийрати, анъанавий бўлмаган композицион комбинациялар диққатингизни бир шеърдан иккинчисига тортаверади. Боиси бир хил шеърлярида бахшиёна оҳанг сезилиб турса, баъзиларида Ҳофизу Саъдий замонида яшаб ўтган риндларнинг, қаландарларнинг дилга ғулу соладиган садоларини тинглагандек бўласиз. Айрим шеърлярида эса символизмнинг ранглар, ифорлар, тимсолларга йўғрилган услубини кузатасиз, гоҳо турли услубларни ўзида жамлаган барокко йўналиши ўзлигини намоён қилади. Умуман, Абдували Қутбиддиннинг ифода этиш тарзи анча мураккаб, бироқ баъзи бўртиб турадиган жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Шулардан бири – кутилмаган ва ўзаро алоқадорлигини тасаввур қилиш қийин бўлган ғоя, образ, тушунчаларни уйғунлаштиришда кўринади.

Мумтоз адабиётда, фольклорда, ҳозирги адабиётда ҳам руҳ билан мулоқот мотиви кўп ишланган. Хусусан, тасаввуфда бу мотивнинг ранг-баранг кўринишлари учрайди. Масалан, душман қуршовида қолган Бобур маънавий пири Хўжа Ахрорни тушида кўриб, унинг ишораси ва мадади билан қутилиб қолиши “Бобурнома”да қайд этилади. Ёки бир, икки аср муқаддам яшаб ўтган пирнинг руҳи чин ихлос боғлаган муриднинг руҳини тарбия қилгани тасаввуф адабиётида учраб туради. Худди шулар сингари Абдували Қутбиддин “Фийомониллоҳ” шеърлярида ҳам дорулбақога рихлат қилган бобо руҳи давр воқелигининг чигал вазиятига тушиб қолган лирик шахсга кўмакка келади.

Абдували Қутбиддин “Автопортрет” шеърини, 1987 йил 27-28 ёшларда ёзган. Унинг болаликданок шариат, тариқат масалаларидан хабардор бўлиб ўсганлигини ва шу руҳдаги адабиётлар таъсирида шаклланиб борганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу шеър лирик қаҳрамоннинг ўз-ўзига исёнидан, руҳиятида қарама-қарши қутбларнинг тўқнашуви кетаётганидан, бир-бирига ўхшаш бесамардек кунлардан, беҳудадек кечаётган умрдан норозилик ифодаси сифатида туғилгандек туюлади. Ёшлиқдан олинган руҳоний тарбия билан уни қуршаб олган муҳит ўртасида туғилган номувофиклик ушбу шеър кайфиятини белгилаб берган, десак тўғрироқ бўлади. Одатда, киши ёшлигида ўзини қийнаётган саволларга жавобни, руҳий таскинни кўча-кўйдан, давралардан, ташқи дунёдан излаб кўп вақтини зое кетказди. Излаётганларини, тополмаётганларини ичкаридан, “ўзлик”дан ахтариш зарурлигини кечроқ англайди. Хуллас, лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари сўфийликнинг тавба мақомидаги хусусиятларини эсга солади. Тавба тасаввуфда руҳнинг бедорлигини, қалбан покланишга эҳтиёж сезган инсоннинг руҳий изтиробларини англатади. Бу эса инсоннинг янги бир сифат босқичига қадам қўйганидан дарак беради.

Соҳибдилим – дилоро,
Аййит, тўхтасин карвон,
Най пуфлаган қуюннинг
Энасим биёбон.¹⁶

“Соҳибдил” – ўз қалбининг эгаси демак, кўнгил амри билан иш қиладиган, олам ва одам сир-асрорларидан огоҳ киши. Тасаввуфда дарвеш, пир маъноларида қўлланилган. Шеърда лирик қаҳрамон бу дунёга ўзининг хаёлий оламини тақдим этади. Бу оламнинг ўз ақидалари, низоми, мақоматлари бор. Булар – хаёл, тасаввур, туш, туйғулар ассоциацияси ҳисобланади.

